

**Хориждаги катта ёшдаги ватандошлар учун
“Чинор” лойиҳаси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1.1 Ушбу Низом хорижда истиқомат қилаётган ёши катта ватандошларни (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.02.2026 йилдаги ПФ-21-сон Фармони.) Ўзбекистонга таклиф этиш, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар билан таништириш, юртимиз тарихий шаҳарларига зиёратлар ташкил этиш ҳамда келгусида хорижий давлатларда ёш авлодни тарбиялашда, уларни тарихий Ватани билан боғлашга қаратилган “Чинор” лойиҳасини (кейинги ўринларда- Лойиҳа) ўтказиш тартибини белгилайди.

1.2 Ушбу Низом 50 ёшгача бўлган ватандошларга татбиқ этилмайди.

1.3 Лойиҳа Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилади.

1.4 Лойиҳанинг ташкилий масалалари “Ватандошлар” жамоат фонди (кейинги ўринларда – Фонд) томонидан мувофиқлаштирилади.

1.5 Лойиҳага иштирокчиларни жалб қилиш ва уларни танлашда шаффофликни таъминлаш мақсадида Ишчи гуруҳ ташкил этилади. Ишчи гуруҳ таркибига лойиҳа ташкилотчилари, вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда жамоатчилик аъзолари киритилади.

II. Лойиҳа ташкилотчилари

2.1 Лойиҳа ташкилотчилари:

- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги;
- Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита;
- Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси;
- “Ватандошлар” жамоат фонди.

2.2 Ташкилотчиларнинг асосий вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги - Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги элчихоналари ҳамда ватандошлар томонидан тузилган жамоат бирлашмалар орқали ватандошларни хабардор қилиш, номзодларни тавсия этиш юзасидан чора-тадбирларни амалга оширади.

Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита – Лойиҳани ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларга кўмаклашади.

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси - номзодларни танлаш, шунингдек, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва доимий

ҳамкорликни назарда тутувчи алоҳида дастур ишлаб чиқиш ҳамда дастур асосида турли учрашувлар, муҳокамалар ва тажриба алмашишларни амалга оширади.

Фонд - манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналари, хориждаги ватандошлар жамоат бирлашмалари раҳбарлари ҳамда бошқа фаол ватандошлар томонидан тавсия этилган номзодларни кўриб чиқиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни мувофиқлаштиради.

III. Лойиҳа мақсад ва вазифалари

3.1 Лойиҳанинг мақсади:

- хорижий давлатларда истиқомат қилаётган катта ёшдаги ватандошлар билан тизимли ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларни ўзбек тили, тарихи, миллий анъаналари, урф-одат ва қадриятларини сақлашга кўмаклашиш;

- мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий ислохотлар, адабий муҳит ҳамда нуронийлар билан олиб борилаётган ишлар ҳақида кенг қамровли ахборот бериш орқали фаол ватандошлик позициясини шакллантириш ва мустаҳкамлаш;

- фаол ватандошлик позициясини ривожлантиришдан иборат.

3.2 Лойиҳанинг вазифалари:

- хорижда истиқомат қилаётган катта ёшдаги ватандошлар билан доимий ва тизимли мулоқотни йўлга қўйиш, улар билан барқарор ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

- ватандошлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва миллий бирлик туйғусини мустаҳкамлаш;

- лойиҳа иштирокчилари ўртасида тажриба алмашиш, самарали мулоқот ва ҳамкорлик платформасини шакллантириш.

IV. Лойиҳани ташкил этиш тартиби

4.1 Номзодлар қуйидаги 2 (икки) та мезон асосида танлаб олинади:

1) Меҳнат ва жамоатчилик фаолияти;

2) Онлайн суҳбат натижалари.

4.2 Меҳнат ва жамоатчилик фаолияти:

- номзодлар Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналари, хориждаги ватандошлар жамоат бирлашмалари раҳбарлари ҳамда бошқа фаол ватандошлар томонидан Фондга тақдим этилади. Шунингдек, талабгорлар мустақил равишда Фонднинг <https://vatandoshlarfondi.uz/chinor> расмий саҳифаси орқали рўйхатдан ўтиб, амалга ошираётган ишлари тўғрисидаги

маълумотларни видеога олган ҳолда тақдим этишлари лозим. Мазкур видеода номзод ўзини таништиради ва лойиҳада қатнашиш сабабларини қайд этади.

4.3 Онлайн суҳбат натижалари:

- вазирлик ва идоралардан иборат Ишчи гуруҳ томонидан номзодлар кўриб чиқилади, сараланади ҳамда номзод билан ZOOM, Telegram, WhatsApp ижтимоий тармоқлари орқали онлайн мулоқот ўтказилади. Суҳбат натижаларига мувофиқ, лойиҳа иштирокчилари сараланади.

V. Лойиҳа танловини ташкил этиш шартлари

5.1 Лойиҳа танлови Фонднинг <https://vatandoshlarfondi.uz/> расмий сайти орқали онлайн тарзда ўтказилади.

5.2 Суҳбатлар ZOOM ҳамда Telegramm ижтимоий тармоғида ўтказилади.

VI. Лойиҳада иштирок этиш шартлари

6.1 Танлов иштирокчиси ҳужжатлари нусхаси Фонднинг <https://vatandoshlarfondi.uz/chinor> расмий сайти орқали қабул қилинади.

6.2 Лойиҳа иштирокчилари соғлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этиши лозим. Мазкур маълумотнома харажатлари иштирокчи томонидан қопланади.

VII. Лойиҳа танловини ташкил этиш муддатлари

7.1 Лойиҳага ҳужжатлар қуйидагича қабул қилинади:

7.2 Ҳужжатлар топширилган вақтдан бошлаб иштирок этувчилар мазкур танлов бўйича фикр-мулоҳазаларини қолдиришлари учун сўровдан ўтишга таклиф этилади.

7.3 Танлов ҳужжатлари тошириш юзасидан муддатлар якунлангандан сўнг 5 (беш) кун ичида Хайъат аъзолари томонидан баҳоланади.

7.4 Танлов иштирокчилари билан суҳбат ўтказилади ва суҳбат натижаларига кўра баҳоланади.

7.5 Танлов иштирокчилари 2 (икки) та мезон бўйича тўплаган умумий баҳолари асосида танлов Ҳайъати томонидан якуний натижалар бўйича ғолиблар аниқланади.

7.6 Танлов ғолиблари Фонд ижтимоий тармоқларида эълон қилинади.

VIII. Лойиҳа танлови баҳолаш тартиби

8.1 Танловга келиб тушган ҳужжатлар ва ўтказилган суҳбат натижаларини баҳолаш қуйидаги жадвал асосида амалга оширилади.

T/r	Танлов мезонлари	Баҳолаш
1.	Меҳнат ва жамоатчилик фаолияти (номзод ҳаёт йўли, ижтимоий фаолияти, лойиҳада иштирок этишдан мақсадини 3-5 дақиқадан ошмаган видео тарзида ўзи ҳикоя қилиб бериб, платформага юклаши лозим.)	50 балл
3.	Онлайн суҳбат натижалари (номзоднинг дунёқараши, салоҳияти, ислоҳотлардан хабардорлиги, ватандош сифатида ташаббусли фикрлари юзасидан суҳбат ўтказилади)	50 балл
Умумий		100 балл

8.2 Комиссия таркибига Ўзбекистон фахрийлари, нуронийлар маданият соҳаси вакиллари ва соҳаларнинг мустақил экспертлари киритилади.

8.3 Танлов натижасида энг кўп тўпланган максимал баллдан бошлаб юқоридан пастга қараб ҳисобланади.

IX. Ғолибларни аниқлаш тартиби

9.1 Танловда натижаларига кўра юқори ўринларни эгаллаган иштирокчилар танлов ғолиби деб ҳисобланади.

9.3 Танлов ғолиблари Ўзбекистонда ташкил этиладиган махсус дастурда иштирок этиш йўлланмаси билан тақдирланади.

9.4 Йўлланма эгалари Ўзбекистонда Фонд томонидан ташкил этиладиган махсус дастурда 1(бир) мавсум (7 кун) иштирок этадилар.

X. Лойиҳа иштирокчиларини рағбатлантиришни ташкил этишнинг молиявий манбалари

10.1 Лойиҳани Ўзбекистонда ташкил этиш билан боғлиқ барча ҳаражатлар (транспорт бундан мустасно) Фонд томонидан қопланади. Иштирокчиларнинг Ўзбекистонга келиб-кетиш учун транспорт ҳаражатлари (авиачипта, темирйўл ва автобус чипталари) бундан мустасно.

XI. Лойиҳа иштирокчилари билан истиқболли ишлаш тартиби

11.1 Лойиҳага саралаб олиниб, юртимизга таклиф этилган ватандошлар билан истиқболда қуйидаги тартибдаги ишлар амалга оширилади:

- иштирокчилардан иборат “Нуронийлар кенгаши” гуруҳи ташкил этилади ҳамда мақбул деб топилган ижтимоий тармоқда чат гуруҳи очилади;

- иштирокчилар орасидан таклифларга биноан гуруҳ сардори тайинланади;

- лойиҳада қатнашганлар лойиҳа доирасидаги маълумотларни доимий равишда фаолият олиб бораётган муассаса, маҳаллаларда, ватандошлар жамоат бирлашмаларида ёш авлод ўртасида тарғибот ишларини олиб боради ҳамда таклифлар тайёрлайди;

- Фонднинг хорижий мамлакатлардаги сафарлари давомида улар билан учрашувлар ташкил этиб борилади;

- ватандошлар томонидан илгари сурилган манфаатли лойиҳалар, тадбирлар келишилган ҳолда ташкил этилади.

XII. Лойиҳа ташкилотчи ва ижрочилари жавобгарлиги

12.1 Лойиҳани самарали амалга оширилишига Фонд маъсул ҳисобланади.

12.2 Лойиҳа иштирокчилари саломатлиги, хавфсизлиги учун масъул вазирлик идоралар жавобгар ҳисобланади.

12.3 Лойиҳа иштирокчилари ўртасида ўзаро дўстона муносабатлар ўрнатишга Фонд масъул этиб тайинланади.

XIII. Яқуний қоидалар

13.1 Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида бегиланган тартибда ҳал этилади.

13.2 Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.